

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил март ойининг 24 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья З.Камолов, судлов ҳайъати судьялари М.Тургунова ва С.Махаметовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Бахтиёровнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи ўринбосари Х.Назаров, судланувчи ХХЭнинг ҳимоячиси адвокат Ш.Қаландарованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 17 февралдаги ҳукмига кўра судланган:

ХХЭ, 1980 йил 10 январь куни Тожикистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, қармоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, ХХХда истиқомат қилувчига

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан туман прокурори томонидан келтирилган апелляция протестига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 17 февралдаги ҳукмига кўра, ХХЭ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилиб унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан озодликни чеклаш жазоси ХХЭ ушланган кундан, яъни 2022 йил февраль ойининг 6 кунидан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

ХХЭга жабрланувчи АМ фойдасига зарарнинг қолган қисми 4.782.000 сўм ундирилсин ва 6 (олти) ой давомида яъни 2022 йил 17 августга қадар етказилган зарарни тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилган.



Суднинг ҳукмига кўра, ХХЭ, 2021 йил 23 сентябрь куни ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза 1-мавзеси, 34-уй, 40-хонадонда бўла туриб, ушбу хонадон эгаси 1927 йилда туғилган Л.С.Мокиенкога энага сифатида қараб, у вафот этганидан сўнг мазкур хонадонда бўлган шкаф ичидан фуқаро МАВга тегишли 30.000.000 сўм миқдоридаги пулларни ўғирлаб, ҳодиса жойидан яширинган.

ХХЭ Мирзо Улуғбек тумани, Феруза-1 мавзеси, 34-уй, 40-хонадон тегишли бўлган муҳим ҳужжатлар яъни хонадон кадастри ва хонадонга васиятномасини ғайриқонуний равишда эгаллаб, қасддан ушбу ҳужжатларни Тошкент-Бекобод 4R20 йўлининг 28 километрда қурилган хожатхонага ташлаб юбориб нобуд қилган.

Туман прокурори апелляция протестида дастлабки тергов томонидан судланувчи ХХЭнинг айбловига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди диспозициясидаги “фуқаролик паспорти ва ҳарбий билетни эгаллаш ва нобуд қилиш” белгиларини ортиқча эълон қилганлигини билдириб, мазкур ҳолат ҳукмда муҳокама қилмаганлиги сабабли ушбу белгини чиқариб ҳукми қонунга мувофиқлаштиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья З.Камоловнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи ўринбосари Х.Назаровнинг апелляция протестини қаноатлантириб, ҳукми ўзгартириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи ХХЭнинг ҳимоячиси адвокат Ш.Қаландаровнинг туман прокурори протестини қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб қонунга мувофиқлаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 24-бандида “Жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак. ЖПКнинг 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмининг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши керак. ЖПК 415-моддасига биноан суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятни квалификацияловчи белгилари чиқариб ташланади. Суд ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан эълон қилинган айбни ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли” деб белгиланган.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчи ХХЭнинг ҳаракатлари тўғри малакаланган бўлсада, ҳукмда дастлабки тергов



органи томонидан хатоликка йўл қўйилиб судланувчи ХХЭнинг айбловига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди диспозициясидаги “фуқаролик паспорти ва ҳарбий билетни эгаллаш ва нобуд қилиш” белгилари ортиқча эълон қилинганлиги муҳокама қилинмай эътибордан четда қолиб кетган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб қонунга мувофиқлаштиришни, биринчи босқич судининг камчилигини бартараф этган ҳолда киритилган протестни қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 17 февралдаги ХХЭга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилиб қонунга мувофиқлаштирилсин.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХЭнинг айбловига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди диспозициясидаги “фуқаролик паспорти ва ҳарбий билетни эгаллаш ва нобуд қилиш” белгилари ортиқча эълон қилинганлиги сабабли чиқарилсин.

Апелляция протести қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

З.Камолов

Ҳайъат судьялари:

имзо

М.Тургунова

имзо

С.Махаметов

Аслига тўғри:

